

# ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ УНУМДОРЛИГИНИНГ СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

**Аликариева Аълохон Нуриддиновна,**

Социология фанлари номзоди, доцент,

Ўзбекистон Миллий университети докторанти

e-mail: alohon@mail.ru

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада таълим сифатини яхшилаш муаммолари қўриб чиқилган бўлиб, унда олий ўқув юртларида “Профессор-ўқитувчиларнинг меҳнат самарадорлигини оширишнинг ижтимоий омиллари” мавзусидаги социологик сўровнома таҳлили келтирилган. Ҳозирги вақтда олий таълим муассасаларида таълим тизимининг шаклланиши янги инновацион шароитларга ва иқтисодиёт талабларига мувофиқлигини таъминлашга бўйича тегишли холосалар берилган.

**Таянч сўзлар:** таълим, анкета сўров, респондент, профессор-ўқитувчилар, таълим сифати, тизим, олий таълим, обьект, жараён, концепция, бошқариш тизими.

Меҳнат унумдорлиги ҳақида М.Кейнс ҳам фикр юритган бўлиб, у давлатда иш билан бандлик даражасини оширишни ва ишлаб чиқариш ўсишини рағбатлантириш учун иш кунини қисқартиришни тавсия қилган. Бўшаб қолган вақтни ишчилар интеллектуал, жисмоний жиҳатдан ўз-ўзини ривожлантиришга сарфлашлари мумкин [1, 379-380].

Меҳнат унумдорлиги – корхонада меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш даражаси ва умуман бозор тизимининг самарадорлик даражасини тавсифловчи асосий режали ва иқтисодий қўрсаткичdir. Замонамизнинг бозор шароитида ҳар бир корхона меҳнат унумдорлигини максималлаштириш мақсадида ишлаб чиқаришни ривожлантиришни режалаштириш ва бошқариш тизимини ташкил этиши ва фаолият қўрсатиши лозим [2].

Меҳнат унумдорлиги ўсишининг алоҳида корхоналар ва бутун жамият учун катта аҳамияти меҳнат унумдорлиги даражасига таъсир қилувчи барча омилларни ўрганишни ва уни ошириш учун захираларни очиб беришни талаб қилади. Омиллар-бу жараён ёки ходисага таъсир қилувчи кучлар, сабаблар, ташқи ҳолатлар. Меҳнат унумдорлиги даражасига таъсир даражаси ва хусусиятига қараб омилларни уч гурухга бўлиш мумкин: моддий-техник, ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий-психологик [3].

Меҳнат самарадорлиги муаммоларини ҳал қилишни аниқлаш учун биз асосий мақсадлар ва меҳнат унумдорлиги омилини таъкидлаймиз. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга олиб келадиган асосий мақсадлар қуйидагилардир: – ҳаражатларни камайтириш ва рентабелликни ошириш; – материаллар нархини

пасайтириш – ишлаб чиқаришнинг мослашувчанлигини ошириш; – товар ва хизматлар сифатини яхшилаш; – ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш [4, 200-202].

Ўтказилган амалий ва илмий ишлар натижасида ҳар бир корхонанинг ва муассасанинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёти белгиланади. Бунинг замирида ҳар бир корхона тараққиётининг ресурслар базаси аниқланади ва шу билан бирга унинг бош кўрсаткичларининг динамик ўсиб боришини ҳисоб-китоб қилинади.

“Профессор-ўқитувчиларнинг меҳнат самарадорлигини оширишнинг ижтимоий омиллари” мавзусидаги социологик сўровнома профессор-ўқитувчиларнинг меҳнат самарадорлигини оширишнинг ижтимоий омиллари ва унга бўлган муносабатни ўрганиш мақсадида ўтказилган анкета саволларини 100 нафар профессор-ўқитувчиларни камраб олинди, шулардан, 33 нафари эркак ҳамда 67 нафари аёлларни ташкил этади. Булар фоизларда қуйидаги кўринишни олади. Бунда Респондентларнинг ўртача ёши 37,1 % ташкил этди.

Марҳамат қилиб айтингчи, сиз танлаган соҳа ўзингизга ёқадими? деган саволимизга, респондентларимизнинг 93 фоизи “Танланган соҳам ўзимга ёқади”, 2,8 фоизи ёқмайди ва 1,4 фоизи камроқ ёқади ҳамда, 1,4 фоизи уччалик ёқмайди деган жавобларларни беришган.

Олаётган ойлик маошингиз сизни қониқтирадими? деган саволимизга респондентларимиз олаётган маошлари бўйича қуйидаги ҳолат юзага келди. Жумладан, иштирокчиларимизнинг 68 фоизи ўз маошларидан мамнун бўлишса, 30,7 фоизи камроқ қониқишини ва 1,5 фоизи умуман қониқмаслигини кўрсатиб ўтган.

Талабалар билим даражасини билиш мақсадида берилган, фикрингизча талабалар замон талаби даражасида билим олишмоқдами? деган саволимизга иштирокчиларимизнинг 46,5 фоизи ўртачадан пастроқ деб ҳисоблашса, 18,3 фоизи паст даражада билим олишмоқда кўрсатган бўлса, 31 фоизи билим даражасини юқори даражада, деб ҳисоблашар экан.

Профессор-ўқитувчи қасбининг нуфузи қандай? деган саволимизга респондентларимиз 57,7 фоизи профессор-ўқитувчининг обрўси жуда ҳам баланд бўлиши керак деб ҳисоблашса, 16,9 фоизи жамоа орасида обрўси юқори бўлиши керак деган жавоб беришган бўлса, қолган 22,5 фоизи ўқитувчилар обрўси пастроқ, деб ҳисоблашар экан. Бундан кўрниб турибдики, профессор-ўқитувчиларимиз ўз статусларини жуда баланд бўлишини истар экан.

Ҳозирги вақтда ўқитувчилик касби, обрўсини кўтариш учун қандай вазифаларни бажариш керак? деган сўровимизга, респондентларимиз 16 фоизи ахборотлар тизимини замон тизимиға мослаштириш керак, дейишса, 26 фоизи ойлик маошларини янада ошириш керак, деган жавобни беришган бўлса, 27 фоизи замонавий техника билан таъминлаш ва 31 фоизи илмий тадқиқот имкониятларини янада кенгайтириш керак, деган фикрларни билдиришди.

Инновацион педагогик технологиялар, мутахассисларнинг билим даражасини оширишга тўла ёрдам беряптими? деган саволимизга профессор-ўқитувчилар қуидаги кўринишда жавоб вариантларини тақдим этишди. Бунда 9,9 фоиз билан самараси жуда паст ва 29,6 фоиз билан унчалик эмас, қилинаётган сарф-харажатларни оқламайди, деган бўлишса, ҳамда 54,9 фоиз билан “ҳа”, самарадорлиги жуда катта, деб хисоблашар экан.

Сизнинг фикрингизча, сиз ишлаётган кафедрадаги ўқитувчилар ўртасидаги муносабат қандай? деган саволимизга респондентларимиз 12,7 фоиз билан жавоб беришга қийналаман, 8,5 фоиз жавоб билан кафедранинг ўқитувчилари 2 га – эркаклар ва аёлларга бўлингандигини кўрсатишиди ва 15,5 фоиз ўқитувчилар орасида муносабат унчалик яхши эмас, ҳамда 62 фоиз профессор-ўқитувчилар ўзаро муносабатлари ижобий эканлигини тасдиқлашди. Қолган респондентлар жавоб беришга қийналишлариниайтишиди.

Профессор-ўқитувчиларнинг шогирд тайёрлашларига муносабатингиз? деган саволимизга респондентларимиз 33,8 фоизи профессор-ўқитувчиларнинг асосий вазифасидан бири деб хисобласа, 31 фоизи ҳар доим шогирдлар тайёрлашга эътибор бериш кераглигини таъкидлашди. 9,9 фоизни фанга қизиқувчи шогирдлар кам деб хисобласа ва 23,9 фоизи илмга қизиқувчан ёшларга устозлик қилиш шарт деб жавоб бериб ўтдилар. Қолган “профессор” унвонини олгандан сўнг унчалик зарур эмас, деган жавобга тўхталиб ўтилмаган.

Ўз фанларингиздан дарслик ёки ўкув қўлланмаси ёзганмисиз? деган саволга респондентларимиз 33,8 фоиз ҳа ёзганман ва 4,2 фоизни мустақилликдан сўнг ёза бошладим деб жавоб беришди. 35,2 фоизи йўқ ёзмаганман ва 2,8 фоизи “ёзишга билим тажрибам ҳозирча етарли эмас”, ҳамда 22,5 фоизи эса “энди ёзмоқчиман” деб жавоб беришган.

Профессор-ўқитувчиларнинг яшаш шароити ҳақидаги, яъни қаерда яшайсиз? деган саволга респондентларимиз 25,4 фоизи шахсий ҳовлида ҳамда, 45,1 фоизи кўп қаватли уйларда яшашларини айтган бўлсалар, қолган 28,2 фоизи ижарада, деб жавоблар беришган. Бундан кўриниб турибдики, профессор-ўқитувчиларнинг яшаш шароитини янада яхшилаш юзасидан университет ёки давлат томонидан имтиёзли турар жойларини ажратилиши керак. Шунда уларнинг фаолияти янада яхшиланади.

Соғлиқни сақлаш муассасалари ишларидан мамнунмисиз? деган саволимизга энг юқори фоизларда жавоб берилгани 40,8 фоиз билан ҳозирги даврга мос эмас, деб жавоб берган, сўнгра 21,1 фоизига Соғлиқни сақлаш муассасалари ишини тубдан ўзгартириш керак, деб фикрларини қолдирган ҳамда 18,3 фоизи мамнунман деб ижобий жавоб беришган, қолган 16,9 фоизи мамнун эмасман, деб салбий жавоб қолдиришган.

Профессор-ўқитувчиларга бериладиган айтингчи, дам олиш масканларидан фойдаланасизми? (йилига неча маротаба) деган анкета сўровимизга

респондентларимиз 1,4 фоизи бундай йўлланмалар борлигини эшитмаганман, деб жавоб берган, 53,5 фоизи фойдаланмаганлигини айтиб ўтганлар ва 7 фоизи 3 маротаба фойдалангалигини таъкидладилар, 2,8 фоизи 2 маротаба баъзилари 33,8 фоизи ха, 1 маротаба дам олиш масканларидан фойдаланлигини айтиб ўтиши.

Олий ўкув юрtingиздан ташқари нечта жойда ишлайсиз? деган саволга респондентларимиз энг кўп фоизи 49,3 фоизни олий ўкув юртидан ташқари ҳеч қаерда ишламайман, деб жавоб берганлар ва 40,8 фоизи Ха, 1 та жойда ҳамда 7 фоизи 2 та жойда деб жавобни қолдириши.

Профессор-ўқитувчиларимизнинг бўш вақтларини билиш мақсадидаги, бўш вақtingиз бўладими? деган саволга респондентларимиз 29 фоизи бўлади ва 11 фоизи баъзан бўлади деб жавоб берганлар ҳамда 56,3 фоизи мутлақ бўш вақт бўлмайди деган жавобларни айтишган.

Ишдан бўш вақtingизда нима иш қилишни ёқтирасиз? деган саволимизга респондентларимиз 12 фоизи жисмоний меҳнат қиласман, 21 фоизи ақлий меҳнат билан шуғулланаман, деб айтган бўлсалар, қолган 22 фоизи болалар тарбияси билан шуғулланишини ва 45фоизи барчаси билан шуғулланишини кўрсатиб ўтишган. Профессор-ўқитувчилар учун маҳсус хона ажратилганми? деган саволимизга респондентларимиз 26 фоизи “ха” ҳамда 70 фоизи “йўқ” деб жавоб беришган.

Ўкув илмий ишларни юқори даражада олиб бориш учун университетда ахборот етарлими? деган саволимизга респондентларимиз энг юқори фоизни ташкил 46 фоизи “унчалик эмас” ва 43 фоизи “ха” деб жавоб қолдирган, баъзиларида 11 фоизини ташкил қиласман. Янада университет худудида замонавий ахборот воситаларини кўпайтириш жоиздир.

Илмий иш қилиш учун грант олишга кўзингиз етадими? деган саволимизга респондентларимиз энг юқори фоизни кўрсатиб турган жавоб 57 фоизи “йўқ” деб жавоб беришган бўлса, қолган 39 фоизи “ха” деб жавоб берганлар, шуни маълум қилиб турибдики, профессор-ўқитувчиларнинг грант олишлари паст даражани кўрсатиб турмоқда.

Факультетингиздаги кутубхоналар хизмати сизни қониктирадими? деган саволимизга респондентларимиз 14 фоизи “мутлоқ қониктирмайди”, 38 фоизи “унчалик эмас” ҳамда 45,1 фоизи “ха” деб жавоб берганлар.

Шахсий транспорт воситангиз борми? деган саволимизга респондентларимиз жуда салбий жавоблар кўсатилиб ўтдилар бунда 78,9 фоизи “йўқ” деб жавоб беришган ва 18,3 фоизи “ха”, деб ўз жавобларини қолдиришган. Бу саволимиз натижалари шуни кўрсатдики, кўп ўқитувчиларимизда транспорт воситаси йўқлиги аниқланди.

Респондентларга Сиз университетга мустақиллик беришга қандай қарайсиз? деган савол билан мурожаат этганимизда, 33 % кўрсаткич билан юқори даражада жавоб вариантига тўхталган бўлса, улардан 67 % эса яхши деб жавоб бериб ўтганлар.

Респондентларнинг молиявий тарафдорлигини билиш мақсадидаги “Сиз университетнинг молиявий мустақиллиги тарафдоримисиз”? деган саволимизга 60,6 % респондентлар “ҳа”, тарафдориман, 19,7% респондентлар эса “йўқ” чунки, бунинг аҳамияти “йўқ” деб ўйлайман, 16.9 %“ унга етиш учун шароит “йўқ” деб жавоб берганлар.

Юқоридаги саволимизнинг мантиқий давоми сифатида берилган “Лавозимингиз”? деган саволимизга респондентларнинг 7 % Профессор 15 % доцент ҳамда 78 % ўқитувчи деб жавоб берганлар.

Ҳозирги вақтда олий таълим муассасаларида таълим тизимининг шаклланиши янги инновацион шароитларга ва иқтисодиёт талабларига мувофиқлигини таъминлашга барча олий ўқув юртлари амалда ҳаракат қилмоқда. Айни чоғда, мамлакатимизда персонални бошқариш сифати соҳасидаги сиёsat ҳам кенг кўламда амалга оширилмоқда.

Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш қуидаги мақсадларга эришишни назарда тутади:

- инновацион ахборот маҳсулотларини ишлаб чиқиш;
- юқори малакали мутахассисларни тайёрлашнинг замонавий усулларини жорий этиш асосида инновацион ғояларни ишлаб чиқиш;
- таълим сифати ва узлуксизлигини таъминлаш;
- педагогик кадрларни касбий даражаси ва малакасини доимий равишда ошириб бориш;
- янги технологияларда фойдаланиш асосида ўқув жараёнини узлуксиз такомиллаштириб бориш;
- касбий масалаларни ечишга талабаларни ижодий ёндашадиган ва масъулиятли қилиб тарбиялаш.

## Адабиётлар

1. Андриanova Н.В., Назмеева О.А. Планирование производительности труда // Молодой ученый. – 2015. – № 12 (92). – С.379-380.
2. Григорьева В.В., Федотова О.А. Сбалансированное управление эффективностью труда персонала в организациях промышленности // Экономика и предпринимательство. 2015. № 5-2 (58). – С.1119-1123.
3. Рофе А.И. Экономика труда: учебник / А.И.Рофе. – М.: КНОРУС, 2010. – 400 с.
4. Хабибуллин М.И. Проблемы повышения уровня производительности труда // Молодой ученый. – 2018. – № 50 (236). – С. 200-202.